



Фасл кўшди. Хар бир фаслда нимаики лойик бўлса, шуни ёзди. Бу фикрлар Багдод йўлида пайдо бўлган эди. Аммо ботинийлар хуруж килдилар ва одамларга кўп зиён етказдилар. Уша вацтларда банда шуни ошкор ёзолмадим. Энди адолат ва ислом олам худованди - подшохи халадаллоху мулкаху даврида кучайиб кетиб, хар куни зиёда бўлиб, тараккий топаётганидан умид киламизки, Тангри таоло шу давлат устунларини киёмат кунларигача мухаллад ва муаббад тутуди.

БИРИНЧИ ФАСЛ

ЗАМОНА ОДАМЛАРИНИНГ АХВОЛЛАРИ ВА СУЛТОНИ ОДИЛ, ШАХАНШОХИ АЪЗАМ ХАЛАДАЛЛОХУ МУЛКАХУНИНГ МАДҲИ ХАКИДА

Аллох субхонаху ва таоло хар аср ва давру замонда халк ичидан бир кишини подшоҳликка кўтариб, унга хунарлар ва ёкимли сийрату фазилятлар беради, дунё тинчлиги ва бандалар оромини кўлига бериб, фасоду ошуб эшигини у оркали ёпади, унинг имзо ва хашаматини халойик калби ва кўзларида таркатади, токи одамлар унинг адолати соясида панох топиб, тинч кун кўриб, омонликда унинг давлати абадий бўлишини тилайдилар. Ва агарда, Худо кўрсатмасин, бандалардан бирор-бир исён зоҳир бўлса, шариат ишларига хавф ё бирор зарар тоату Хакк фармонларига тегса, уларга шу подшоҳдан жазо етади, килган ишларига ажр берилади. Худо бизга шундай кунларни кўрсатмасин, шундай хокимлардан узокрок бўлайлик. Бўлмаса исён шумлигидан, одамларга хашму хазлон (сарсонлик) етиб, одил подшоҳни ҳам бошларидан олиб ташлайди. Хар хил балою кўзголон кўтарилиб, ноҳақ кон тўкилади ва кимки кучли бўлса, истаган ишини килади. Шунда гунохкорлар шу фитна ва кон тўкишларда халок бўладилар ва олам улардан тозаланади, аммо уларнинг касофатларидан беғунох кишилар ҳам нобуд бўладилар. Бунга шундай мисол келтирса бўлади, агарда камишзорга ўт тушса, курук нарсалар ҳаммаси ёниб кетади ва хўл нарсалар ҳам олов таъсиридан ёниб йўк бўлади Аллох одамлардан бир кишига кудратини кўрсатиб, давлат ва икбол беради, Хакк таолодан билим ва ақл топиб, шу билим билан кўл остидагилардан хар бирини ўзига тенг билади, хар бирига мартабасига мос кадр килиб, мансаб беради, хизматкорларини халк ўртасидан ажратиб олади, хар бирига бир мартаба ва манзала беради, дин ва дунё заруратию муҳимоти билан уларни таъминлайди, раиятни

мухофазат килади, токи унинг адли соясида халойик рохат ила яшаб кун кўрсин. Агарда хизматкор ва ё махрамлардан бирортаси нолойик иш тутсаю, яхшиликдан тушуниб олса, ишга кайта кўйиш керак, агарда хушёр бўлмаса-ю (йўлидан кайтмаса), вафо килмаса, уни бошка бир лойик кишига алмаштириш лозим. Раиятдан бирортаси неъмат хакини, омонлик ва тинчлик кадрили билмаса, хиёнат этишни андиша килиб соткинлик килса, номардлик кўрсатса, хаддидан ошиб кетса, гуноҳини бўйнига кўйиб, яраша жазо бериб, ишдан олиб, улардан воз кечиш керак Давлатни идора килиш талабларидан яна бири бу четдан кориз казиб сув келтириш, кишлогу далалар ободонлиги учун катта ариқлар казиш, калъалар куриш, шаҳарлар бино этиш, зебо бинолару кенг кўчалар, работлар курдиришдир. Толиби илмлар учун мадрасалар очиш ҳам зарур, чунки бунда шохнинг номи абадий колади ва унинг савобидан мулкида сулху тинчлик хосил бўлади. Аллох кудратидан шу кунлар ўтган тарихда колади ва олдинги маликлар хаётларини безатади, халойикка ҳеч кимга хали насиб килмаган бирор-бир саодатни ҳадя килади Худованди олам ва шаҳаншохи муаззамнинг ота-боболарига подшоҳлик ва пешволикни раво кўриб, хонадонини, ҳамма вакилларини Афросиёбдан бошлаб юксалтириб, буюк тутган. Олам маликларидан узок бўлган кароматлар ва буюкликлар билан уни безатган. Масалан, унга чиройли хусн, ёкимли феъл-атвор, жасорат, мардлик, ақл берди, от миниш ва ҳар хил аслаҳалардан фойдаланиш, ҳар хил хунарни билиш, Аллох азза ва жалла яратган бандаларига раҳму шафкат этиш, ваъдага вафо килиш, динга тўғри эътикод кўйиш, Аллох таолога яхши имон келтириб, унга кўнгил кўйиш, намоз ўкиб, рўза тутиш, дин уламолари, зоҳиду порсоларни ҳурмат килиб, кетма-кет дарвишу гадоларга садака бериш, хизматкорлар ва кўл остидагиларга яхшилик килиш, халк билан хурсанд яшаш, раиятга ситам килувчилар ситамини ман этиш фазилатларини ато килди. Шунинг учун Аллох таоло лойик мартабаси ва яхши эътикодига яраша унга давлату мулк берди, жаҳонни унга тобе килди, сиёсатини ҳаммага етказди, оламдагилар унга хирож берадилар ва шунинг учун унинг газабидан озоддирлар. Агарда баъзи халифалар даврида мулклари бирор ривож ва тараккий топган бўлса ҳам, ҳеч қачон кўнгиллари ором топмаган. Ҳозирги муборак замонда, худога шукрки, дилида ёмон фикри бор ва итоатдан бош тортаётган бирон-бир киши йўқ. Аллох таоло шу давлатни киёматгача эҳтиёт килсин, давлат камолотига ёмон кўз тегмасин, чунки халойик шу подшоҳ адлу сиёсати соясида кун кечириб, дуойи хайр килмокда. Демак, давлат аҳволи шундай экан, давлату дониш ва эзгу расму одат ёруғ шамъга ўхшайди. Ва одамлар шу ёрукликда йўлларини топиб, қоронғиликдан чиқадилар. Унга бирор мушовир (маслаҳатчи) ва йўлбошчи керакмас. Худованд подшоҳ бандаларини синамокчи ва аҳвол андозаси ила ақл ва билимларини билмокчи бўлиб, менга буюрдики, подшоҳларга керак бўлган некусийрат фазилатлар ва зарарли бўлган нарсалар, ҳозирда бажарилиши шарт бўлмаган қоидалар, маъкул ва номаъкул ишлар ҳақида бир китоб ёз, мен ҳам кўрганларим, билганларим, эшитганларим ва ўқиганларимдан эслаб туриб ушбу китобни ёздим Шох олий фармонларига биноан шу бир неча фасл ихтисор кўли ила ёзилди ва ҳар фаслига лойик нарсалар киритилиб, яқин равшан ва осонфаҳм иборалар билан битилиб, мушкул ва қийин бўлган маънолардан парҳез килинди, токи ўқувчига тушуниши савоб (осон) бўлсин ва Аллох таоло тавфики ила охирига етсин.

ИККИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОХЛАР ТОМОНИДАН АЛЛОХ ТАОЛО НЕЪМАТЛАРИ КАДРИНИ БИЛИШ ХАКИДА

Билишлари уларнинг халкка киладиган хайру эхсон ва адолатларидан маълум бўлади. Агарда халк дуолари эзгулик билан кўшилса, мулк мустаҳкам бўлиб, кун сайин кучга тўлади, шу мулк ўз давлат ва тинчлигидан баҳраманд бўлади, бу оламда яхши ном ва у дунёда раҳм-шафкат насиб килади Дин улуглари айтганларки, «Ал мулку ябқа маъал-куффри ва ло ябқа маъаз-зулми». Маъноси шуки, «Мулк куфр ила мавжуд «бўлиши мумкин, зулм билан эса барбодликка маҳкумдир.

Хикоят

Ахборда шундай келтирилганки, Юсуф алайхиссалом оламдан ўтибди, уни Иброхим салавотуллоху алайх олдида, яъни бобо ва аждодлари яқинида дафн қилмокчи бўлибдилар. :Жаброил алайхиссалом келиб айтибди Шу ерда тўхтанглар, бу жой унинг жойи эмас, бир мулкнинг» «жавобини қиёматда бериши керак.

Юсуф пайгамбарнинг ахволи шундай бўлса, кўрингки, бошқаларнинг ахволи нима бўлади?

Пайгамбар саллаллохи алайхи васаллам хабарида бордирки, қиёмат кунида қимки бирор халкка бошлик бўлиб, фармон берувчи бўлса, қўлларини боғлаб олиб келар эканлар. Одил бўлган бўлса, қўллари адлу инсофидан очилиб, жаннатга олиб борар эканлар. Агарда золим бўлган бўлса, шу боғланган қўллари билан дўзахга ташлар эканлар. Яна ҳадисларда айтилишича, қиёмат куни фармон берувчи киши ўз қўли остида бўлган одамлар жавобини беради ва қўйлар жавобини берган чўпонга ўхшайди.

Хикоят

Шундай маънода Абдуллох ибн Умар ал-Хаттоб ўз отасига айтган экан:

Эй ота, оламдан ўтсанг, сени тезроқ иккинчи ё учинчи-кечада тушимда кўришни истайман.

Орада ўн икки йил ўтиб ҳам уни тушида кўрмабди. Ун икки йилдан кейин тушига отаси қирибди. Тушида ўгли ундан сўрабди.

Ота, сен менга уч кечадан кейин тушингга қираман, деган -эдинг-ку?

Отаси жавоб берибди:

Нахарвонда бир кўприк бузилган экан ва хизматчилар уни тузатмаган эканлар. Қўйлар шу кўприкдан ўтаётган вақтда бир қўйнинг оёғи тешикка тушиб синибди. Хозиргача шунинг жавобини бердим.

Ҳақикатан, подшохи олам биладики, шу буюк кун - қиёматда унинг қўл остида бўлган халойик жавобини ундан сўрайдилар. Агарда бошқа кишига ҳавола этилса, қабул қилмайдилар. Шундай экан, бу мулк муҳимотини ҳеч қимга топшириш ва халойик ишларидан гофил қолиш ҳам керак эмас. Шох қўлидан қелганича яширинча ва ошқора тарзда халқ ахволидан хабардор бўлиши шарт. Бедодликка йўл бермай, золимлар зулмидан аҳолини қутқариши керак. Шу ишларининг барақаси унинг давлатига тегиб, халқ уни дуо қилади, қиёматгача унинг номига дуойи хайр юборадилар. Унинг номайи аъмолида эса буюк савоблар ёзилган бўлади.

УЧИНЧИ ФАСЛ

ПОДШОХНИНГ МАЗЛУМЛАРНИ КАБУЛ КИЛИШИ, ОДИЛ ВА ЯХШИ ХУЛКЛИ БЎЛИШИ ХАКИДА

Подшоҳ ҳафтада икки кун зулм кўрганларни қабул қилиб, золимларнинг додини бериб, жазолаб ва раият сўзларини бевосита эшитиб бориши керак. Мухим бўлган аризаларни қабул қилиб, ҳар бирига жавоб бериши лозим. Агарда, «подшоҳ додхоҳларни олдига чақириб, ҳафтада икки маротаба уларнинг сўзларини эшитади ва золимларнинг жазосини беради», деган хабар мамлакатга тарқалса, унда золимлар қилмишларининг оқибатини ўйлаб, қўриқиб бедодлик қилмайдилар.

Хикоят

Олдин ўтган кишиларнинг китобларидан шуни ўқиб билдимки, Ажам шохлари бир дўкон ясаб, уни отга юклаб сахрога олиб борарканлар, токи ўша жойда йигилган мазлумларни қўриб, ҳар бирининг арзини эшитиб олиш мумкин Аллоҳ таоло неъматлари қадрини подшоҳларнинг бўлсин. Бунинг сабаби шу эдики, агарда подшоҳ бирор жойда ўтириб қолса, у ерда дахлиз, долон, эшик ва парда пайдо бўлади. Гаразли кишилар ва ситамгарлар шундан фойдаланиб, зулм чекаётганларни подшоҳ олдига қўймайдилар.

Хикоят

Эшитдимки, шохлардан бирининг қулоғи оғир экан. У, «тилмочлик қиладиганлар мазлумлар сўзини менга тўғри етказмайди ва уларнинг холини билмай, ишларига мувофиқ қилмайдиган бирон буйруқ бериб қўйишим мумкин», деб ўйлаб қолади. Ана шунда у зулм қўрган кишилар қизил кийим кийсин, бошқа ҳеч қим бундай рангдаги кийим қиймасин, токи мен уни таниб олай, деб буйруқ берибди. Бу шох бир филга ўтириб, сахрода юрганида тўхтаб, қизил кийганларни олдига чақиртириб оларкан. Улар ҳам баланд овозда ўз ахволларини айтиб берарканлар ва подшоҳ уларга жавоб қайтараркан. Ўша замонда бундай эҳтиёткорлик шох учун бирор-бир нарса қоронғи қолмаслиги учун қилинарган.

Хикоят

Сомонийлар ўртасида энг одил амир Исмоил ибн Аҳмад деган киши бўлган. Унинг яхши фазилатлари қўп экан. Аллоҳ таолога қаттиқ эътиқодда бўлган бу дарвештабиат кишининг ҳаёти тўғрисида қўп нарса ёзилган. Исмоил Бухорода турарди ва Хуросону Ирок, Мовароуннаҳр унинг отаси қўлида эди. Яъқуб Лайс Сийистонда унга қарши бош қўтаради ва у Сийистонни Хуросонга қўшиб, Хуросонни ҳам ўзига тобе қилади Ирокни ҳам олади. Доийлар уни алдаб, исмоилия мазҳабига қиритадилар ва у халифага қасд қилиб, қарши чиқади. Хуросон ва Ирок лашқарини йигиб, Бағдодга юриш бошлаб, халифани ҳалок қилгач, аббосийларни йўқ этиш учун ҳаракатга қиришади. Халифа Яъқубнинг Бағдодни олишга майл қилганини эшитади. Элчи юбортириб айттиради: Бағдодда сенинг қиладиган ишинг йўқ. Ҳокимиятни қўлингда ушлаб туриб, халиям Қўхистон, Ироку Хуросонни талаб қилаяпсан. Бирор-бир ихтилоф ва даъвогарлик

бўлмаслиги учун .бу йўлингдан кайт У бу гапларга бўйсунмай дебди.

Менинг орзуим албатта саройингга бориб, хизмат расм- -русумини жойига кўйиб, ахдимни тоза килиб келиш, шуни килмасам, кайтмайман.

Халифа кўп элчилар юбортириб, шу жавобни олаверди. Шу сабабли ундан шубхалана бошлади. Катталарни чакириб айтди:

Менинг сезишимча, Яъкуб ибн Лайс итоат этишдан бош тортаяпти ва хиёнат билан бу томонга келаяпти. Биз унга саройга келгин, деб фармон бермаганмиз. Мен унга кайтиб кетишни буюрсам ҳам ўз билганидан колмаяпти. Хар холда дилида кандайдир хиёнат яширинган. Уйлашимча, у ботинийлар кўл остига ўтган. Бу ерга келмагунича буни билдира олмаяпти. Эҳтиёт бўлиш керак, гофил қолишимиз мумкин эмас. Бу ишнинг чораси кандай экан?

Шундай хулосага келадилар: Халифа шаҳардан сахрога чикиб, нузул этсин ва Багдоднинг каттаю кичиклари билан кўшинлар жойини тайёрласин. Агарда Яъкуб Лайс келиб колса, халифанинг сахрода кўшин билан турганини кўриб, фикридан кайтиши мумкин ва унинг хиёнати амир ал-мумининга маълум бўлади. Одамлар лашкароҳда бир-бирлари билан борди-келди киладилар. Агарда кўзголон кўтарилса, Хуросону Ирок бошликлари хохишлари ва розиликлари билан бўлади. Агарда исён кўтарилса, шу хиёнатларини маълум киладилар. Биз унинг кўшинига карши чикамиз ва агар унга бас келолмасак, жанг килмасак, ҳамма томонга йўл очик бўлади ва асирликка тушмай, бошка бирор-бир жойга борамиз.

Бу сўзлар ва бу илож амир ал-мумининга маъкул тушади. Шундай ҳам киладилар. Бу, амир ал-муминин Ал-Мўътамад алаллох эди. Яъкуб Лайс етиб келиб, халифа лашкароҳи каршисига тушади. Икки лашкар аралашиб кетади. Эртаси куни исён кўтариб, халифа олдига одам юбортириб айттиради: Багдодни топшир ва кайси томонга хохласанг, кет Халифа икки ой муддат сўрайди. Лекин у вакт бермайди. Коронги тушади. Халифа унинг кўшини амирларига одамларини махфий юбортириб, у (Яъкуб) очик исён кўтариб, шиалар тарафига ўтмокчи, бизнинг хонадонимизни йўкотиш учун келиб, ўрнимизга душманимизни кўймокчи деб маълумот беради. Сизлар ҳам унинг томонидамисизлар ёки йўкми? Бир гуруҳ айтадики, биз бу жоҳу хашаматни унинг давлатидан топганмиз. У нима килса, биз ҳам шунга шерикмиз. Аммо кўплари айтадиларки, амир ал-муминин айтаётган бу холатдан беҳабармиз ва биз у амир ал-мумининга каршилиқ килмайди деб ўйлапмиз. Агарда у шундай каршилиқ кўрсатмокчи бўлса, биз розилиқ бермаймиз. Мулоқот килиш куни сен билан бўламиз, .жангда сенинг томонингга ўтамиз ва сенга ёрдам берамиз Булар Хуросон амирлари эди.

Халифа (Мўътамад) Яъкуб лашкари бошликларидан шундай жавобни эшитиб, шод бўлади. Эртаси куни довурак бўлиб, Яъкуб Лайсга хабар юборади: энди хиёнат ва неъмат кофирлигини ошкор килдинг, каршилиқка эришдинг. Уртамизда энди килич бор ва менинг лашкарим кам ва сеники кўп бўлса ҳам, парвойим йўк. Хакк таоло хакка галаба беради, хакикат .эса мен биландир ва сен билан бўлган кўшин меникидир У кўшинга курулганини буюради. Жанговор ногоралар чалиниб, кўшин сахрода сафланади. Яъкуб Лайс ҳам халифанинг бу мазмундаги хабарини эшитиб: «Ўз муродимга етдим», - дейди. У ҳам буюради, ногора чалиб, кўшинни олиб, катта дабдаба билан сахрога чикиб, сафладилар. Лашкар калбида бир тарафда халифа, бир тарафда Яъкуб турарди. Халифа овози баланд бир кишини :сафдан чикариб, шундай дейишни буюради маъшар ал-муслимин! Билиб кўйингларики, Яъкуб осий , Е -бўлган. У аббосийларни йўк килиб, ўрнига улар душманларини Жамиддиядан олиб келиб, халифа килиб кўйиб, бидъатни

ошкор килиш учун келган. Кимки Аллох расули бўлган халифага каршилиқ килса, Аллох расулига хилоф иш килгандек бўлади. Кимки расулга итоатдан бош тортса, Худои таоло итоатидан чиккандек бўлади ва мусулмонлик доирасидан чиқади. Худои таоло ўзи нозил килган китобида айтадики, «Атиъуллоҳ ва атиъуррасула ва увлил амри минкум», яъни «Аллоҳга, расулига «ва сизларга амрлари бўлган кишиларга итоат қилинглари. Сизлардан ким жаннатни дўзахдан афзал деб билса, ҳақиқатни тан олса, ботилдан қайтса, бизнинг душманимиз билан эмас, биз билан бўлади.

Яъкуб лашкари бу нидони эшитади ва Хуросон амирлари халифа томонига ўтиб, шундай дейдилар:

Биз ҳукму фармон ва итоат билан сенинг хизматингга келиш фикрини қилдик. Энди исён маълум бўлганидан кейин биз сен биланмиз ва танамизда жонимиз борица сен учун жанг қиламиз.

Халифа қучли бўлиб, ҳамлага ўтиш учун буйруқ беради. Биринчи ҳужум билан Яъкуб Лайсни мағлуб этадилар ва у қочиб Хузистон томонга кетади. Ҳазинаю давлатини талон-торож қиладилар. Бутун қўшин Яъкубдан товоғар бўлди У Хузистонга етиб келиб, ҳар томонга одам юбортириб, тарафдорларини чақиртира бошлайди. Хуросону Ирок ҳазиналаридан дирхаму динор олиб қелишга одамларини юборади. Халифа унинг Хузистондан жой олганини эшитиб, тезлик билан элчи ва хат юбортириб айтади: Бизга сенинг соддалигинг аён бўлди. Душман сўзларига» кириб мағрур бўлибсан, ишнинг оқибатини кўрдингми? Қара, Эзид, таоло ўзи сенга қандайлигини кўрсатди сенинг ва лашкаринг ҳаракатини зое қилди, бизнинг хонадонимизни саклади. Бу сенинг хатоинг эди. Энди биламанки, ҳушёр бўлиб, қилган ишингдан пушаймон ебсан. Хуросону Ирок амирлигига сендан лойикрок киши йўқ ва биз ҳам унга даъво қилмасмиз. Сенга лутфимиз зиёда ва биз ёқимли ишларингни назарда тутиб гуноҳингни қечдик. Дахшатли ишларни қилмагансан, деб ҳисоблаймиз. Сен ҳам ўтганга салавот деб тезлик билан Хуросон ва Ирокка бор ва вилоят ишлари билан машғул бўл Халифа номасини ўқиб, Яъкубнинг қўнгли юшмайди, у қилган амалидан пушаймон бўлмади. Олдига бир товоқда қўкат, пиёз ва балик олиб қелишларини буюрди. Расулни ҳам ҳузурига чақиртириб қелтирибди. У элчига қараб дебди Бориб халифага айт, мен бир мисгар (саффор) қишиман ва -отамдан шу қасбни ўрганганман. Менинг овқатим бугдой нонию балик, пиёзу қўкатдир ва бу подшоҳлигу ҳазиналарни айёрлик билан олганман ва мардлик билан қўлга қиритганман. Булар отамдан мерос қолмаган ва буни сен ҳам менга бермагансан. То сенинг бошингни ҳадя учун олмагунимча, авлодингни сўйиб ташламагунимча тинч туролмайман. Шу айтганларимни амалга ошираман ёки қайта бугдой нонию, балигу пиёз ва қўкат атрофига ўтираман.

У халифа элчисини қузатиб қўяди. Халифа яна қанча элчи ва хат юбормасин, у яна шу айтган сўзларидан қайтмайди. Қўшинини ташлаб, Бағдод тарафга йўл олади. Уч манзил йўл босиб ўтганларида у қуланж қасалига мубтало бўлиб, ахволи ночорлашади. Бу дарддан қутула олмаслигини сезади, унинг ақаси Амру Лайс орқага, Хуросонга қайтиб келиб, подшоҳлик қилади. Халифага итоатда бўлади. Лашкар ва раият Яъкубдан қўра Амруни яхши кўрарди. Амру ато ва саховатда жуда ҳам машҳур, сиёсатда ҳушёр ва муруватли эди. Химмати шу даражада эдики, унинг ошхонасида қунига тўрт юз туя сўярдилар.

Бошқа нарсаларини ҳам шундан қиёс қилса бўларди. Аммо халифа гарчи Амру бундай эътиқодда бўлмаса ҳам, ақаси йўлига қирар, деб ўйларди. У кетма-кет Бухорога амир Исмоил ибн Аҳмад олдига одам юбориб айтдирадиди: «Амруга қарши юриш қил, мулкини

кўлидан тортиб ол, сенинг Хуросону Ирок амирлигида ҳақкинг бор, чунки кўп йиллар давомида бу мулк оталаринг кўлида эди. Булар ҳокимиятни зўравонлик қилиб олганлар. Ҳақиқий ҳоким ўзингсан, иккинчидан, сенинг фазилатларинг яхши, учинчидан, менинг розилигим сен томонда. Мен шу нарсага ишонаманки, Худойи таоло сенга галаба, зафар «ато қилади, кўшиннинг қамлигига қарама Халифа сўзлари амир Исмоил ибн Аҳмадга таъсир этади ва у Амру Лайсга қарши боришга қарор қилади. Жайхундан ўтаркан, ҳамма лашкарини йигиб, санаб кўрса, ўн минг кишидан иборат экан. Кўп аскарларининг ёғочдан жабдуқлари бор эди, ҳар ўн кишидан бири қалқонга, ҳар йигирма кишидан бири совутга, ҳар эллик кишидан бири найзага эга эди. Бир киши улов-отсизликдан совутига фитрок (чилбур, аркон) бойлаган эди. Шундай лашкар билан Жайхундан ўтиб, Марвга келади Амру Лайсга хабар беришадик, Исмоил ибн Аҳмад Жайхундан ўтиб, Марв шаҳрига келди. Марв шаҳри ҳокими эса қочиб кетиб, мулкани талаб қиляпти. Уша пайтда Амру Лайс етмиш минг қуролланган лашкар билан Нишопурда эди, у лашкари билан Балхга қараб юради. Бир-бирларига қарши қелаверади. Шундай тўқнашув бўладик, мағлуб бўлган Амру Лайснинг бутун бошли етмиш минг суворийси қочиб кетади. Бирор киши ярадор ҳам бўлмайди, тўққиз киши асир тушади. Шулар орасида Амру Лайс ҳам бор эди. Уларни Исмоилнинг олдига олиб бориб, қоровулларга топширишади Дунё ажойиботларидан шу ҳодиса ажойибодир. Намози аср ўқилганидан сўнг Амру Лайс фаррошларидан бўлмиш бир кишининг кўзи унга тушиб, раҳми қелиб, олдига боради. Амру унга дейди:

Шу кечаси мен билан қол, жуда ҳам ёлғизман.

- Кейин яна -қўшиб қўяди:

Бу одамлар олдига бирор-бир овқатдан дарак ҳам бўлмади, -ейишга бирон нарсанинг иложини қилсангчи, мен очман Фаррош бир ман гўшт топиб, аскарлардан вақтинчалик қозон сўраб олади. У ёкка, бу ёкка югуриб, тезак теради, қесаклардан ўчоқ қуради. Гўштни қозонга ташлаб, бироз туз топиб қелишга кетади. Шу маҳал бир ит қелиб, қозонга тумшугини тикиб, бир суякни тортиб олмоқчи бўлади. Оғзи қуйиб, бошини қўтарганида қозоннинг халқаси бўйнига илиниб қолади, унинг иссиқлигига қандай олмаган ит қозонни ҳам қўтара қочади. Амру Лайс буни кўриб, қоровулларга дейди:

Ибрат олинлар, мен шундай одамманки, эрталаб -ошхонамда тўрт юз туя сўйилган эди, кечкурун эса бир ит овқатимни қўтариб қочаяпти.

Дейди: «Қунту асбаха амиран ва амсайа асиран», яъни .««Эрталаб амир эдим қечкурун асир бўлдим. Бу ҳол жаҳон ажойиботларидан биридир. Амру Лайс асир тушганида амир Исмоил ўз лашкари бошлиқларига ва буюқларига қараб дейди:

Бу галабани менга Аллоҳ таоло берди ва шу неъматга Аллоҳ -азза ва жалладан бошқа ҳеч ким қўл уролмайди. Сўнгра дейди:

Билиб қўйинлар, бу Амру Лайс бир буюқ ҳиммат эгаси, хотамтойдек саҳий, қудратли, ишлари тадбирли, иродаси қучли, дастурхони очик кишидир. Менинг фикрим шундай унга зарар етказмасликка ҳаракат қиламан, токи у шу асирликдан ҳалос бўлсин.

Қатталар: «Амирнинг фикри тўғри, нимаики маслаҳат бўлса, буюринг», - деб жавоб бердилар.

Амру Лайсга одам юбориб: «Хотиржам бўл, мен йўлини топиб, жонингни халифадан сўраб оламан, - дейди. - Ҳатто, ҳамма ҳазинамга аллашиб бўлса ҳам сенинг жонингга бирор зарар етказдирмайман, қолган умрингни саломат (ва тинч) ўтказасан.

Амру Лайс буни эшитиб: «Мен қиламан, бу асирликдан озод бўла олмаيمان, аммо сен Исмоилсан, бирор-бир ишонарли кишининг олдига юбор, айтадиган гапим бор, мендан

эшитиб сенга етказди», дейди. Уша киши кайтиб келиб, ундан эшитганларини амир Исмоилга гапириб беради. Тезда бир ишончли кишини юборади. Амру Лайс вакилга ушбун баён килади:

Сен Исмоилга бориб шундай дегин: «Мени сен маглуб килган эмассан, балки амир ал-муминин ўз яхши диёнати ва хислати билан ҳамда соф эътиқоди ва газаби билан маглуб килди. Ва бу мамлакатни Худойи таоло мендан олди ва сенга берди. Сен шу яхшиликка лойик ва сазоворсан, мен Худойи таолога итоат киламан ва сенга факат яхшилик тилайман. Сен бу мулкни энди олдинг, аммо хазина ва истизхор (озик овкат) инг йўк. Менда ва акамда ганжу хазиналар кўп, шуларнинг рўйхати менда эди ва ҳаммасини сенга такдим килдим, токи сен мустазхару кудратли бўлиб лашкарларни таъмин киларсан. У хазиналар калитини ҳам Амир Исмоилга юборади. Ишончли вакил келиб эшитганларини айтиб бераркан, хазиналар рўйхатини амир Исмоил олдига қўяди. Амир Исмоил ўз яқинларига караб дейди:

Бу Амру Лайс зийраклигидан бошқа доноларни ҳам домига тортмокчи бўлади.

Хазиналар рўйхатини олиб, уни ишончли вакил олдига ташлайди:

Бунини ўзига кайтар ва айт, шартлари ва ўтқир бўлганинг учун ҳамманинг бошидан сакраб ўтмокчисан. Оталаринг бир рўйгар (мисгар) бўлса, сенга ва акангга хазина каердан келарди. Сизларга у рўйгарчиликни ўргатди. Осмоний тасодиф туфайли мулкни зўравонлик билан олдингиз. Бу хазинаю дирхам ва динорларнинг ҳаммасини одамларга зулм қилиб, ноҳақ йўллар билан қўлга киритгансиз. Буларнинг бари қари қишлоқлару қарибларнинг моли, етиму заифлар ҳақидир. Шуларнинг жавобини Худойи таоло олдида ўзларингиз беришингиз керак. Сен маккорсан ва шу зулмларни менинг бўйнимга қўймокчисан. Эрта қиёматда сизлардан мол товонини сўрасалар, нимаики бўлса Исмоилга бердик ва ундан талаб қилинглар, деб жавоб берасизлар. Менинг душман учун жавоб беришга тоқатим Диёнат ва Худодан кўриқиб у хазинани қабул қилмабди ва қайтариб Амру Лайсга берибди ва бундан мағрур бўлмабди. Ҳозирги замон амирлари шундайки, ҳаром динорларга парво қилмайдилар, ҳақиқатни беҳуда нарсаларга чиқарадилар, иш оқибатини ўйламайдилар.

Исмоилда шундай одат бор экан: қаттиқ совуқли кунларда, қор ёқи ёмғир ёгса ҳам ёлғиз ўзи майдонга чиқиб, пешин намози вақтигача отга миниб турар экан ва айтарканки, бирор мазлум киши ҳолати бўлиб саройга келсаю, турар жойи бўлмаса, қор ва совуқда бизни ичкарида кўрса, биз билан кўришиши қийин бўлади. Биз қутиб турганимизни кўрса, қилиб ишини ҳал қилиб, саломат қайтади.

Шунга ўхшаган ҳикоятларни айтиб бериб, авлодлар учун сақлаб қолганлар.

давоми бор